



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 13 май, № 93 (6528)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



УЛКАН ҒАЛАБАЛАР УЧУН ПАРВОЗ МАЙДОНИ



«Биз
ҳеч кимдан
кам эмасмиз,
кам бўлмаймиз ҳам!»



Ўзбекистон ёшларининг аҳду шиори — шундай! Зеро, Ватан туйғуси — муқаддас. У дилларга чексиз гурур бағишлайди. Мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб, дунёни ҳайратга солаётган йигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоати, орзу-интилишларини кўриб, бунга ишончимиз янада ортади.

Ришод Собиров, Аббос Атоев, Окгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров... Миллий спортимиз

ифтихорига айланган ана шу чемпионларимизни ҳозирги кунда дунё танийди, тан олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, уларнинг спорт оламидаги ютуқлари учун мамлакатимиз олий таълим

муассасалари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган Универсиада мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум.

Жорий йилда мазкур ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами еттинчи бор ўтказилмоқда. Унинг финал босқичига сўлим водий гавахари — Фарғона вилояти мезонлик қилади. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан ўн тўртта терма жамоа волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, сузиш, шахмат, оғир

атлетика, дзюдо, баскетбол, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, теннис ва стол тенниси бўйича ўзаро баҳс олиб боради.

Ҳозир Фарғонада мусобақаларга тайёргарлик ишлари қизгин паллада. Худудда "Универсиада — 2016" спорт мусобақаларининг шукӯҳи ҳукм сураётди. Хиёбону майдонлар кўркам кифёга касб этган. Гулу гулзорлар навқирон кентга ўзгача файз бағишляпти. Бинолар замонавий кўриниш олди. Кўчаларда беллашувлар руҳини акс

эттирувчи суратлар туширилган баннерлар, паннолар кўзга ташланади.

Фарғона, Маърифат, Мурабийлар каби марказий кўчалар тубдан таъмирланиб, қарийб 5 километрик йўл реконструкция қилинди. Беллашувлар ўтказилган 29 та объекта умумий қиймати 22,8 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Спорт заллари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Ҳадемай, Фарғонада "Кичик Олимпиада" машъаласи порлайди. Унинг зиёси эса спортсевар дилларни бир-бирига боғлайди. Шубҳасиз, Универсиада келгусида Ўзбекистонимиз довруғини дунёга ёйишга қодир янги-янги номларни кашф этади.



МУНОСАБАТ

Юртимизда ёши улуг инсонлар — нуруний отахону онахонларимизга иззат-икром, эҳтиром кўрсатиш, айниқса, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари, уруш ҳамда меҳнат фахрийларини қадрлаш билан боғлиқ зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилган.

Фаровон ва осуда ҳаётимиз асоси

Бинобарин, бугунги осойишта ҳаёт, фаровонлик ўз-ўзидан келмагани, бу ёруғ кунларга етишда аждодларимизнинг орзу-интилишлари, фидокорона меҳнатлари муҳасам эканини юракдан ҳис этамиз.

Дарҳақиқат, бу ҳақда гап кетганда, дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршилиқлар, экстремизм, терроризм каби тинчлик ҳамда барқарорликка ҳаф тугдиратётган хатарлар халқимизнинг ҳавотирига сабаб бўлиши табиий. Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда таъкидлаганидек, бундай мураккаб ҳамда таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда.

Шу боис юртимизда ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида зарур чораларни

амалга ошириш бугун айни заруратдир.

Шу ўринда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганлигини қайд этиш жоиз. Мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик, барқарорлик ҳамда фаровонлик йўлидаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, тобора кескин тус олаётган юқоридаги каби ҳавф хатарларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, албатта, биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Юртбошимиз халқро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини ошиб бораётганининг ҳал қилувчи мезони ва омили, аввало, меҳнатсевар, март ва матонатли халқимизнинг юксалиб бораётган дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётга қараши тобора ўзгариб бораётганида, дея фикр билдирди. Дарҳақиқат, она-Ватанимизда дунёнинг энг илгор халқлари ўрганса арзийдиган аъёнана шакланган.

(Давоми 2-бетда).



«The Brussels Europe Press Club Magazine» журнали Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида

Европадаги "The Brussels Europe Press Club Magazine" журналининг навбатдаги сонидан ушбу нашр бош муҳаррири Антонио Бускардинининг "Замонавий Ўзбекистон" сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

ЭЪТИРОФ

Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир батафсил маълумот берилган. Мақолада республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий мулк устуворлигини таъминлаш юзасидан

кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланган.

Муаллиф журналхонлар эътиборини юртимиз кўлга киритаётган салмоқли муваффақиятлар халқро молиявий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганига қаратар экан, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари



ҳамда 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогноزلари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини билдирган. Бундан ташқари, республикамиз 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилгани ҳам материалда айтиб ўтилган.

(Давоми 2-бетда).



Муносиблар сайланмоқда

Хабарингиз бор, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йигини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенглик таъминлари асосида ўтказилмоқда.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Наманган вилоятида ҳам фуқаролар йигинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этаёпти. Фуқаролар ўз маҳалладошлари орасидан обрў-эътиборли, кўпчилики эзгу ишларга йўналтира оладиган кишиларни муқобиллик асосида маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиси қилиб сайламоқ-

да. Бу аслида демократиянинг эркин кўринишидир. Айтиш жоизки, жойларда ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида амалга оширилган тайёргарлик жараёнлари бу борада қўл келаётди. Худудда мавжуд 882 та фуқаролар йигини ўзи бошқариш органида раис ҳамда унинг маслаҳатчилари

лавозимларига муқобиллик асосида бир нечтадан номзодлар кўрсатилди. Оқчилик ва ошкоралик шароитида бўлиб ўтаётган сайловларда фуқаролар вакиллари уларнинг муносибларига овоз бераёпти. Ҳозирги кунгача 200 га яқин фуқаролар йигинида сайлов юқори савияда ўтказилди.

Уйчи туманининг Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йигинида 5326 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда бу ерда кенг қўллами ишлар амалга оширилиб, маҳалла ҳар томонлама чирой очди. Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам барчага маъқул тушмоқда. Маҳалладошлар йигин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ тадбирларда ҳам фаол қатнашди. Хусусан,

кўчалар ва ҳовлилардан кўрсатилган 104 нафар вакил сайлов ўтадиган жойга эрталабдан жам бўлди. Сайловда ишчи гуруҳ томонидан маҳалла раислигига Розия Абдуллаева ҳамда Дилбархон Умрзоқованинг номзодлари тавсия этилди. Ҳар икки номзод йиғилганлар ҳузурда ўзларининг келгуси фаолият дастурларини баён қилди. Санок комиссияси уларга берилган овозларни ҳисоблаб чиқди. Пировадда вакилларнинг 82 нафари ёки 85 фоизи Д. Умрзоқовани ёқлаб овоз бергани маълум бўлди.

(Давоми 2-бетда).



ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда "Автомобиль транспорти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш: ҳолат ва истиқболлар" мавзuida конференция ўтказилди. Унда парламент куйи палатаси аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Автомобиль транспорти соҳаси ва истиқбол

Тадбирда юртимизда автомобиль транспортини ривожлантириш, соҳадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, республикамизда олиб борилаётган давлат сиёсати жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишда катта ўрин тутмоқда. Бу барча соҳа тараққиётида, шу жумладан, автомобиль транспорти ривожига ҳам ўз тасдиғини топаётгани эътиборга молик. Айниқса, тизимининг ҳуқуқий асоси шакллантирилгани, чунки,

ўтган даврда қабул қилинган қатор қонунлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги ислохотлар рўёбга чиқарилишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётди. Юртимизда автомобил-созлик соҳаси тараққиёти тармоқнинг муваффақиятли такомиллашишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бинобарин, бугун ушбу соҳада енгил автомобиллар, "Исузу" бренди остида автобуслар ва ўртача юк кўтарувчи автобуслар ишлаб чиқариладиган ҳамда оғир юк ташувчи "МАН" автомобилларини йиғишга иктисслаштирилган заводлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, "Дамас" ва "Орландо" русумидаги автомобилларни ишлаб чиқарувчи "Хоразм авто" заводи изчил ривожланаёпти. Шунингдек, "GM Uzbekistan" корхонасида "Шевроле Лабо" кичик юк ташувчи автобусларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирги вақтда республикамиз транспорт ташувчи юк ташувчи умумий ҳажмининг 91 фоизи ҳамда йўловчи ташувининг 99 фоизи автотранспорт соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Сунгги беш йил мобайнида автомобиль транспортидаги юклар ва йўловчилар айланмасининг барқарор доимий ўсиш тенденцияси кузатилди. Ушбу даврда юк

айланмаси 20,9 фоиз, йўловчилар айланмаси 30,5 фоиз ўсган.

Мулоқот чоғида автомобиль транспорти соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, солиққа оид, сертификация, лицензия, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юклар ташивдаги тарифларни шакллантириш ҳамда бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Автомобиль транспорти барқарор ва самарали фаолияти иқтисодиёт юқори суръатда ўсиши, аҳоли турмуш даражаси юксалиши, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Назир Собиров. — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун миллий транспорт ҳамда логистика компанияларининг ўз бизнесини ривожлантириши, логистик хизмат кўрсатиш даражасини халқро стандартлар даражасига олиб чиқиши учун барча имконият яратилган. Бинобарин, ушбу конференцияга тайёргарлик кўриш жараёнида қўмитамиз аъзолари Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мутахассислари билан биргаликда Тошкент шаҳрида автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолияти билан тадбирлар ўтказди.

Конференция иштирокчилари соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари, тизимда электрон тижоратни қўллаш ҳисобига логистикани ривожлантириш, автотранспорт инфратузилмаси объектларини янада тараққий топтириш, "ижтимоий маршрут" ва "тижорат маршрути" каби атамаларни аниқлаштириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Оилавий корхона экспортни йўлга қўйди

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл туманида фаолият кўрсатаётган "Тўрткўл тупроғи" оилавий корхонасида кунжут хосилини қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди. Бунда банкнинг 300 миллион сўмлик кредити кўл келди.

савдо амалиётини бажарди, — дейди тadbиркор Шавкат Айтбоев. — Бундан ташқари, ловия ва мошни ҳам чет эллик буюртмачиларга етказиб бераёلمиз.

Хидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермер ташаббуси

Самарқанд

Нарпай туманидаги "Пахтакор" фермер хўжалиги жамоаси шу пайтга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланарди.

— Янги тармоқни ташкил этишимиз билан 24 нафар қишлоқ бандлиги таъминланди, — дейди хўжалик раҳбари Солиқ Ҳақбердиев.

Мамадӣр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ангорнинг ширмой нонлари

Сурхондарё

Ангор туманидаги "Нури йўл Ангор" корхонаси, асосан, кўрпак-тўшак ҳамда чойшаблар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Яқинда банк кредити эвазига унинг фаолияти кенгайтирилди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Автоматлаштирилган тизим ишга туширилди

Бухоро

"Жондор парранда" масъулияти чекланган жамияти парhez гўшт етиштиришга мўлжалланган бизнес лойиҳани амалга оширди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Маҳалладошларимнинг юксак ишончи фаолият дастурида кўзда тутилган вазифалар ижросига қанот бағишлайди, — дейди у.

Тўрақўрғон туманидаги "Шовон" маҳалласида ўтказилган сайловда ҳудудда истиқомат қилаётган 3200 нафардан зиёд фуқаро номидан келган 68 нафар вакил йиғин раислигига кўрсатилган уч нафар номзоднинг дастурини диққат билан тинглаб, ўз муносабатини билдирди.

— Маҳалла ахли фаоллик кўрсатиб, ўзлари истаган номзодга овоз берди, — дейди сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Тўрақўрғон тумани комиссияси раиси ўринбосари Мақсуда Бегматова.

— Янги тармоқни ташкил этишимиз билан 24 нафар қишлоқ бандлиги таъминланди, — дейди хўжалик раҳбари Солиқ Ҳақбердиев.

ортаяпти. Айтиш мумкинки, улар сайлаган раис ва унинг маслаҳатчилари юртимизда олиб борилмаётган ислохотларга маҳаллани бундан-да обод ҳамда саранжом-саришта масканга айлантириш орқали муносиб ҳисса қўшадилар.

Сурхондарё вилояти бўйича 832 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 8400 нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 23 та фуқаролар йиғинида сайлов юқори даражада ташкиллаштирилди.

Мазкур маҳалла раислигига 2 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, улар сайловчиларнинг 133 нафар вакилига ўларнинг келгуси фаолият дастурларини ўқиб эшиттирди.

— Маҳалламиз ахли Тангрикул Бўриевага юксак ишонч билдирди, — дейди ушбу маҳалла фаолларидан бири Ҳаким Пўлатов. — У ишчан, меҳнатсевар инсон.

ислохотларга ўларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар. Термиз шаҳрининг "Ораста" маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайлов ҳам демократик таъинларга мос ҳолда ўтказилди.



Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ оlingан сурат.

яқин вакилни таништиришди. Учала номзод дастурида ҳам тadbиркорликини ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигини касаначилик асосида таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ободонлаштириш ишларини жадал олиб бориш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

— Худуд аҳолиси маҳалла раислигига ҳар томонлама лойиқ, ташаббускор инсонларни яхши билади, — дейди сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Термиз шаҳар комиссияси раиси ўринбосари Робия Каттаева.

бўлиб ишлаб келаятган Чори Пундиев 89 фоиз овоз тўплаб, раисликка қайта сайланди.

Жиззах вилоятида ҳам фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловга пухта тайёргарлик кўрилгани ушбу ижтимоий-сиёсий тadbирни уюшқоқлик

билан ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу 304 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3000 нафардан ортқ маслаҳатчилари лавозимларига энг муносибларни сайлашда ҳам аскалади, албатта.

Таъкидлаш ўринлики, жорий сайлов давлат ҳамда жамият қурилишининг барча жабҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод қилиб кўрсатилган Зоир Йўлдошев

Фаровон ва осуда ҳаётимиз асоси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу аъналарга таяниб миллий давлатчилигимизга асос солинди. Узокни кўзлаб амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик ҳамда бағрикенглик мустаҳкам қарор топди.

Шу маънода, навқирон авлодни республикамизда рўй бераётган янгиликлар билан ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, улар қалбига юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ни пухта эгаллаган, ўз мамлақати, халқига фидойи бўлган ёшлар Ватанимизни янада обод қилишга, унинг тараққиётига, бундан-да гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшадилар.

АНЖУМАН

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Аҳолини сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш борасидаги устувор вазифалар, юртимизда фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар ҳамда фармацевтика маҳсулотлари сифатини назорат қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзусида анжуман ўтказилди.

«The Brussels Europe Press Club Magazine» журналы Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

"Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" деб аталадиган мезон бўйича Ўзбекистон айна пайтда ҳақонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди.

ганини айтиб ўтган. Хусусан, унинг қайд этишича, "Айни пайтда мазкур жабаҳада жамият саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиги ушбу секторда меҳнат қилаяпти".

ни пухта эгаллаган, ўз мамлақати, халқига фидойи бўлган ёшлар Ватанимизни янада обод қилишга, унинг тараққиётига, бундан-да гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшадилар.

Фармацевтика саноати: ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ, ИЛФОР ЛОЙИҲАЛАР

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда тиббий воситаларни етказиш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини қайд этишди.

га рухсат этилиб, давлат рўйхатига олинган. Ушбу корхоналарнинг ўттизтадан кўпроғида халқаро сифатни бошқариш тизими — ISO 9001 ва GMP сертификатлари жорий қилинган маҳсулот сифатини ошириш ва экспортни ривожлантиришда муҳим омил бўлаяпти.

У Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот шаклланишида кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорликнинг ўрни хусусида сўз юритиб, мазкур йўналишдаги ислохотлар натижасида республикамизда иқтисодий ўсishнинг ушбу соҳаси улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ош-

ларнинг самарали фаолият юритиши гаровидир

рибали вакиллари томонидан уюштирилган машғулотларда бу борадаги билимларимизни янада оширишга эришидик.

«Жаҳон» АА. Брюссель

Тезкор ахборот технологиялари

тadbиркорларнинг самарали фаолият юритиши гаровидир

Пойтахтимизда "DaVinci Solutions" консалтинг компанияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмағида "Инсон ресурсларини бошқариш ва кадрларни саралашда инновация ва ахборот технологияларининг ўрни" мавзусида конференция ташкил этилди.

ТАДБИР

Унда бизнес соҳаси вакиллари, давлат муассасалари, акциядорлик жамиятлари раҳбар ҳамда ходимлари, бизнес-кон-

сультантлар, чет эллик экспертлар, топ-менежерлар қатнашди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ишби-

лармонлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, бизнесни бошқаришнинг замонавий усуллари амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда. Бунда Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-tadbирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

ларнинг самарали фаолият юритишимиз учун барча имконият мавжуд, — дейди Тошкентдаги "DeKos" компанияси раҳбари Ҳасан Мамаसाидов. — Шу билан бирга, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароити бизнесменлардан инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда кадрларни танлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этапти. Tadbирда соҳанинг таж-

рибали вакиллари томонидан уюштирилган машғулотларда бу борадаги билимларимизни янада оширишга эришидик. Икки кун давом этган анжуман доирасида етакчи хорижий компанияларнинг мутахассислари томонидан кадрларни бошқаришга доир ноёб лойиҳалар намойиш қилинди. Шунингдек, рекрутёрлар, ходимлар билан ишловчи менежерлар ҳамда бизнес эгалари учун амалий машғулотлар ўтказилиб, энг сўнгги инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

анжуман фармацевтика саноатини ривожлантириш, маҳаллий саноат корхоналарига халқаро сифатни бошқариш тизимини изчил жорий этиш, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, сифатсиз ҳамда қалбаки маҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН
24
СОАТ ИЧИДА

Жорий ҳафта бошида нефть нархи сезиларли даражада кўтарилди.

Нефть нархи кўтарилди

Масалан, "Брент" маркали "қора олтин"нинг бир баррели 46 АҚШ долларидан ошди. Гап шундаки, Канаданинг Альберта провинцияси шимол-шарқда кузатилаётган ўрмон ёнғинлари сабабли ушбу ҳудудда углеводород хом ашёсини қазиб олиш миқдори 40 фоиз қисқартирилган.



Молиявий йил таҳлили

"Toyota Motor" автоконцерни (Япония)нинг 2015 йил бошидан то жорий йил мартгача бўлган даврни қамраб оладиган молиявий йилдаги соф фойдаси 6,4 фоиз ўсиб, 2,31 триллион иена (21,3 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил қилди.

Бунда ташқи бозорларда шу моделдаги автоуловларга талаб сезиларли даражада ортгани муҳим омил бўлди. Яъни мазкур вақт оралиғида 10,15 миллионга машина сотилган. Лекин апрелдан бошлаб унинг фаолиятида бир нечта тўхталлишлар рўй берди. Сабаби, компанияга зарур таркибий қисмларни етказиб берадиган пўлат куювчи заводлардан бирида ёнғин содир бўлди. Унинг кўплаб корхоналари жойлашган Кюсю оролида эса бир неча бор кучли zilзилалар кузатилди. Шу боис навбатдаги молиявий йилда у кўрадиган фойда 35 фоиз тушиши прогноз қилинапти.

Қимматбаҳо брендлар

Дунёга машҳур "Forbes" журнали томонидан жаҳондаги энг қиммат брендлар рейтингини эълон қилинди.

Унга кўра, биринчи ўрин "Apple" корпорациясига насиб этди. Мазкур савдо белгисининг нархи 154,1 миллиард АҚШ доллари дея баҳоланди. Кейинги погоналардан "Google" (82,5 миллиард доллар) ва "Microsoft" (75,2 миллиард доллар) жой олди. Рўйхатга, шунингдек, "Coca-Cola", "Facebook", "Toyota", "IBM", "Disney" каби номлар ҳам киритилган.



Инновацион юк машинаси

АҚШнинг "Nikola Motor Company" компанияси томонидан 2000 от кучига эга, электр ёрдамида ҳаракатланадиган замонавий юк машинаси ишлаб чиқарилиши режалаштириляпти.

"One" номи берилган мазкур автоуловга 320 киловатт-соат ҳажмли батарея қўйилади. Транспорт воситаси тўлиқ қувватлангандан, 1930 километр масофага бора олади. Эътиборлиси, гибридна юк ташувчига ҳозирда ноқ буюртмалар кела бошлади.



«Қудратли» смартфон

Хитойнинг "Xiaomi" компанияси томонидан энг катта смартфонлардан бири яратилди.

Унга 16 мегапикселли камера, металл корпус ва илгор процессор ўрнатилган. "Mi Max" номи берилган алоқа воситаси экранининг ўлчами 6,44 дюймга тенг. Бу "iPhone 6s" дан 87 фоиз катта деганидир. Қурилма қумш, тилла ва қулранг кўринишларда миқозларга тақдим этилади.



Ёшлик ифори таралади

Буюк Британиянинг "Penhaligon's" компанияси томонидан қадимги юнон мифларидаги қаҳрамонлардан бири Эндимионга аталган икки турдаги янги атир тақдим этилди.

Уларнинг муаттар ҳидларида мускат ёнғоғи, мармарак ва ёронгул ислари уйғунлаштирилган. Афсоналарга қараганда, Эндимион ўзининг ҳамиша навқирон гўзаллиги билан машҳур бўлган. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, янги маҳсулотлардан абдиғи ёшлик ифори таралиб туради.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«KOC'HNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 15 ва 21 январдаги ҳамда Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 мартдаги 19-1406/1507-сонли, 2014 йил 25 майдаги 19-1406/4232-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Санитар тозалик» автокорхонасига тегишли, Термиз шаҳри, Мехридарё кўчаси, 12-уйда жойлашган, ер майдони 6994,80 кв.м. бўлган, 18 хонадан иборат маъмурий ва хўжалик бинолари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 173 594 000 сўм.
- Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 8 майдаги 19-1502/4645-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Пўлат Алп» савдо ва тижорат фирмасига тегишли, Термиз шаҳри, Соатов 4-бурилиш бўли берк кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 4227,52 кв.м. бўлган гулма ишлаб чиқариш цехи ҳамда маъмурий бино қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 67 000 000 сўм.
- Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 15 майдаги 1-2159-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, Авлод маҳалласида жойлашган, ер майдони 340,4 кв.м. бўлган, 6 хонадан иборат идора биноси, омборхона, молхона ва ёрдамчи бино қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 81 250 000 сўм.
- Аукцион савдосига Қизирқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 20 июндаги 1-490-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизирқ тумани, «Бандихон» ҚФЙ, Бектепа маҳалласи, Қўрғон массивида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат 6-уй қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 76 693 400 сўм.
- Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:
1. ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 20 ноябрдаги 1-4504-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 303-уйда жойлашган, ер майдони 78,1 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат 9-хонадан қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 106 670 000 сўм.
2. ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 20 ноябрдаги 1-1505-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, 13-сонли Гулистон

маҳалласи, Гулистон кўчасида жойлашган, ер майдони 855 кв.м. бўлган, 6 хонадан иборат 127-хонадан қўйилмоқда.

- Бошланғич баҳоси — 300 375 000 сўм.**
Аукцион савдоси 2016 йил 15 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 13 июнь кунни соат 18.00.
- VI. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:**
1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 январдаги 19-1505/22828-сонли, 2015 йил 9 февралдаги 19-1404/24053-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 90-уйда жойлашган, «Термиз-Агротехсервис МТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2076,60 кв.м. бўлган (В, Г, Д-литерлардаги 22 хонадан иборат) омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 128 370 000 сўм.
2. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 22 ноябрдаги 1-5307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Денов кўчасидаги 59-уй, 3-хонадонда жойлашган, ер майдони 49,70 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.
Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.
- VII. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:**
1. ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2015 йил 3 августдаги 2-85-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, «Шашмоқшооб» агроасаноат фирмасига тегишли, ер майдони 5484,39 кв.м. бўлган, 3 қаватли, 134 хонадан иборат «Евразия» меҳмонхонаси ва жижозлари.
Бошланғич баҳоси — 6 567 540 560 сўм.
2. ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 3050,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар бочмаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой).
Бошланғич баҳоси — 265 077 177 сўм.
- VIII. Аукцион савдосига Музрбот тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музрбот тумани, «Халқобод» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат тураржой 5 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.
Бошланғич баҳоси — 63 827 100 сўм.**
- IX. Аукцион савдосига Қизирқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 9 декабрдаги 19-1504/20139-сонли ижро**

«KOC'HNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Беруний туманлараро судининг 2016 йил 15 февралдаги 1-341-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Эллиққалъа тумани, Ал-Беруний кўчаси, 4-уйда жойлашган, ер майдони 903,4 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 17 июнь кунни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат

13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 15 июнь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Қашқадарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё тумани судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 1-141-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Навбахор» МЧЖга қарашли, Қашқадарё шаҳри, Нодира кўчасида жойлашган, 2 қаватли, ер майдони 2456,0 кв.м., қурилиш майдони 729,26 кв.м. бўлган «Навбахор» универмаги биноси тақдоран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 597 622 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 27 май кунни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 25 май кунни соат 18.00.
- Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 26 ноябрдаги 10-1515/17762-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Омега-Авто» МЧЖга тегишли, Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 298-уйда

жойлашган, умумий майдони 280,94 кв.м., қурилиш майдони 155,98 кв.м. бўлган супермаркет биноси қўйилмоқда.

- Бошланғич баҳоси — 406 250 000 сўм.**
Аукцион савдоси 2016 йил 14 июнь кунни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 10 июнь кунни соат 18.00.
Кўчмас мулк билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.
Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«Universal auktsion invest» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- 2016 йил 14 июнь кунни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
* Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 7 майдаги 10-1214/4714-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, «КК-5» русумли тиркама қран.
Бошланғич баҳоси — 34 986 000 сўм.
* ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2013 йил 25 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Нова» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 01 608 SAA.
Бошланғич баҳоси — 115 325 000 сўм.
2016 йил 31 май кунни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Учтепа тумани судининг 2014 йил 21 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси омборхонасида сақланаётган:
* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Lincoln Town Car» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами М 4492.
Бошланғич баҳоси — 50 156 438 сўм.
* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Nissan Maxima» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами М 2529.
Бошланғич баҳоси — 38 581 875 сўм.
Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 ва 11:30 да тўхтатилади.
Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 2020800004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.
Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67. **Гувоҳнома № 004059.**

варақасига асосан хатланган, Қизирқ тумани, «Шарқ Истара» ҚФЙ, Янгиҳаёт маҳалласида жойлашган, Қизирқ тумани, «Истара» МЧЖ ММТПга тегишли, умумий майдони 979,80 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат ишлаб чиқариш биноси.

- Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.**
X. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 16 мартдаги 19-1503/17011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:
1. Қумқўрғон тумани, «Қумқўрғон» ҚФЙ, Янгиер маҳалласида жойлашган, «Yangiyer ulgurji chakana savdo» МЧЖга тегишли, ер майдони 4087,75 кв.м. бўлган маъмурий ва ёрдамчи хўжалик бинолари.
Бошланғич баҳоси — 372 524 835 сўм.
2. Қумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙ, Оқсий маҳалласида жойлашган, «Аланик чорва» МЧЖга тегишли, ер майдони 733,37 кв.м. бўлган савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 240 828 193 сўм.
3. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 9 октябрдаги 1-2485-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Нефтчилар маҳалласида жойлашган, жами 216,42 кв.м. бўлган машиини хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.
4. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 23 июлдаги 1-1771-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Сурхон соҳили маҳалласида жойлашган, ер майдони 3000,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли тураржой.
Бошланғич баҳоси — 106 250 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 31 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 27 май кунни соат 18.00.
Кўчмас мулк билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz E-mail: reitsavdo@inbox.uz
Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Гиждувон тумани СИБ томонидан ФИБ Бухоро туманлараро судининг 2016 йил 4 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гиждувон тумани, «Соқтари» ҚФЙ, Сақдент қишлоғида жойлашган, ер майдони 1000,0 кв.м., қурилиш майдони 199,27 кв.м.дан иборат бўлган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 294 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 13 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 13 июндаги аукцион савдосида сотилмади қолган тақдирда, унинг тақдорий савдоси 2016 йил 29 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609031, МФО: 00086, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

GRUZHINA.UZ

Кўп турдаги АВТОШИНАЛАР



Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.
Тел.: (+99871) 250-07-40. Факс: (+99895) 170-32-52.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Педагогика ва психология кафедраси фахрийси, профессор **Сания Ханафиевна ФАЙЗУЛИНА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент молия институтининг ректорати ҳамда Касаба уюшма қўмитаси Касбий таълим кафедраси профессори Дилором Тожибовага турмуш ўртоғи **Абдулхамитжон ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

УЛКАН ҒАЛАБАЛАР УЧУН ПАРВОЗ МАЙДОНИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фаргона давлат университетида 3 минг 200 ўринли стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, учта волейбол майдони ва энгил атлетика йўлакчалари фойдаланишга топширилди. Фаргона политехника институти эса, ҳадемай, "Универсиада — 2016"нинг якуний босқичи иштирокчиларини кутиб олади. Шу мақсадда таълим масканидаги 4 та талабалар тураржойи ҳамда 600 ўринли ошхонада қайта таъмирлаш юмушлари бажарилди. 1200 тулдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, махсус йўлаклар барпо этилди.

— Ёшларимиз илм-фан сирларини пухта эгаллаши баробарида, спорт майдонларида ҳам катта натижаларга эришадиганидан гурурланиб кетасан

киши, — дейди мазкур институтнинг Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Фуломжон Ерматов. — Улар орасида фарғоналик йигит-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Энгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони Сардор Умаров, дзюдо бўйича ёшлар ўртасидаги Европа очиқ чемпионати голиби Муҳаммадлазиз Қаюмов, теннис бўйича халқаро мусобақалар голиби Сарвиноз Саидхўжаева, таэквондо бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар голиби Абубакир Расулов... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, Универсиаданинг жорий йилги саралаш беллашувларида олий ўқув юртимиз талабалари ҳам муваффақиятли қатнашди. Масалан, Сардор Мирзаев, Бобур Аминжонов,

Фахриёр Ўринбоев, Риза Айвазов футбол бўйича вилоятимиз терма жамоаси сафида майдонга тушса, Шохруҳ Усмонов, Достонбек Муҳаммаджонов эркин кураш бўйича худудимиз шарафини ҳимоя қилади. Насиб этса, бу ёшларимиз юқори натижалари билан "Кичик Олимпиада" тарихидан муносиб жой эгаллайдилар.

Кўтаринки кайфият — ғалабани таъминловчи муҳим омил. Чунки спортда муваффақиятга эришиш учун нафақат жисмоний, балки руҳий тайёргарлик ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу маънода, "Универсиада — 2016" финали қатнашчиларининг яшаши, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун кулай шароитлар муҳайё этилмоқда. Олти та муассасадаги тураржойлар шай ҳолатга келтириляпти.

Фаргона давлат университети қошидаги академик лицейда ҳам спорт байрамига қизгин тайёргарлик қилинди. Хусусан, таълим муассасасининг 200 ўринли ётоқхонасида 1 миллион 68 миллион сўмлик қурилиш ишлари олиб борилди. Уни жиҳозлашга эса қарийб 330 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Маширий техникалар, компьютер жамламалари, телевизор, тиббий-санитария воситалари келтирилди. Ўз навбатида, 150 ўринли ошхона ҳам барпо қилинди. — Фаргона олимпиади заҳира-

лари коллежида спортнинг олти тури бўйича беллашувларни ўтказиш кўзда тутилган, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азизбек Абдуллаев. — Ҳозир пудратчи ташкилотлар томонидан теннис кортида 72,5 миллион сўмлик, қўл тўпи залида 490 миллион сўмлик, манеж залида 856 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари ниясига етказиляпти. Шунингдек, Фаргона солиқ коллежи ҳам 920,9 миллион сўмлик бунёдкорлик юмушларидан сўнг мусобақага шай ҳолатга келтирилди.

Универсиада нафақат спорт, балки нафосат ва гўзаллик айёми ҳамдир. Шу боис айни пайтда мусобақанинг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш маросимларига тайёргарлик авжида. Унга уч юздан ортқ ёшлар, мамлакатимизнинг таниқли санъат усталари ва фарғоналик истеъдод эгалари жалб этилган. Бу шодиёналар анги қурилган "Истиклол" стадионида бўлиб ўтади. Бинобарин, беллашувлар қатнашчилари учун маданий-маърифий тадбирлар, таниқли актёр ҳамда ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, тарихий обидалар, музей, театрларга саёхатлар уюштирилиши режалаштирилган.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАБОВЕВ ва
Ҳасан ПАЙДОЕВ ёлган суратлар.

ДУНЁ НИГОҲИ

Германиянинг Шветцинген шаҳрида (Баден-Вюртемберг федерал ери) Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва маданиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Франкфуртдаги Бош консуллиги томонидан Шветцинген шаҳар маъмурияти ҳамда маҳаллий мусиқа мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мумтоз санъатимиз довуғи

Унда ўзбек халқининг кўна мероси ва ўзига хос маданияти билан боғлиқ батафсил маълумотлар тақдиротидан сўнг иштирокчилар эътиборига ўзбек ҳамда немис санъат усталари концерт дастури ҳавола қилинди. Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Сайёра Гофурова ижросидаги мумтоз мусикалар, жумладан, Людвиг ван Бетховен асарлари, ўзбек бастакорларидан А. Набиевнинг "Тановар", С. Юдаковнинг "Фарғона ракси" сингари композициялари тадбир бўлиб ўтган "Palais Hirsch Schwetzingen" қасрида зўр олқишлар билан кутиб олинди. Шунингдек, тақдирот доирасида Шветцинген мусиқа мактабининг концертлар залида

ушбу таълим муассасасининг ўқувчилари учун маҳорат дарси ҳам уюштирилди. Халқимизнинг тарихий мероси ва маданиятига бағишланган мазкур тақдирот маросими маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шветцинген мусиқа мактаби раҳбари Т. Ворм-Савоская "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига тадбирдан орттирган таассуротларини сўзлаб берар экан, қуйидагиларни таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳозирги пайтда таълим соҳаси, жумладан, мумтоз мусиқа санъати ривожига даражасининг юқорилиги билан ҳам ажралиб туради, — деди у. — Дунёда бундай мамлакатлар кўп эмас. Бугун шаҳ-

римизда бўлиб ўтган концерт ҳамда маҳорат дарси юзасидан мутахассислар билдирган ижобий фикр-мулоҳазалар, ўзбек санъаткорларининг жаҳон сахналарида юқори ўринларни эгаллаб келаётгани бунинг тасдиғидир. Мамлакатининг миллий мусиқа таълими тизими ҳамда ўз мусиқачи-

ларининг ижрочилик маҳорати билан фахрланади, арзийди.

Концерт қатнашчиси Олаф Ханс маданий анжуман ҳақида ўз ҳаяжонларини яшира олмади.

— Ўзбекистонлик мусиқачиларнинг иқтидори ва маҳоратидан баҳрамандлик, қолаверса, юртингиз бағрида жойлашган гўзал тарихий шаҳарлар тақдироти қалбимда ажойиб ўлкангизни ўз кўзим билан кўриш истagini пайдо қилди, — деди у. — Бетховен асарлари немис заминидан яратилган бўлса-да, уларнинг юксак даражадаги ижроси ўзбек санъат усталарига тегишли эканлигига бугун амин бўлдим.

«Жаҳон» АА,
Франкфурт

«Қадрият, эътибор ва эъзо»

Рангасвирчи рассом Абдували Мўминовнинг Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган ижодий ишлари кўргазмаси ана шундай номланган.

КЎРГАЗМА

Унда мусаввирнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртдошларимизнинг жасорати, матонати, фидойилиги акс этган

етмишга яқин асари ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси уруш ҳамда меҳнат фахрийлари

шубҳаси аъзоларининг Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган асарларидан иборат кўргазмаси ҳам бўлиб ўтмоқда.

Асарларда уруш ҳамда урушдан кейинги машаққатли йиллар, шунингдек, бугунги дорилламон кунларда юртдошларимиз томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тасвирланган.

Моҳира АДIZОВА.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти

жамоаси

юртдошларимизни ҳамда турдош
корхоналар жамоаларини

**Ўзбекистон
Республикаси
кончилик ва
металлургия
саноати
ходимлари
куни**

билан муборакбод
этади!

*Оналари соғлом, болалари
баркамол шў юрт равнақи, ўлка саноатининг
таракқиёти йўлидаги, келажаси буюк
Ватан бунёд этишдек жайрли ишингизда
сиҳат-саломатлик, хотирэсаллик,
баҳт-саодат ва муваффақият тилайди.
Диёримиз тинч, эсондонларимиз обод,
мустақиллигимиз боқий бўлсин!*



«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси жамоаси

**Ўзбекистон Республикаси
кончилик ва металлургия саноати
ходимлари куни**

*муносабати билан соҳада меҳнат қилаётган
ишчи-ходимларни самимий
тадриклайди!*

*Кончилик ҳамда металлургия
саноати мамлакатимиз
иқтисодиётини ривожлантиришда
етакчи ўрин тутаяди.*

*Сиз ана шундай шарафли ишга муносиб
ҳисса қўшиб келаяётганингиз билан ҳар қанча
фахрлансангиз арзийди. Касб байрами
шоқиёнаси нишонланаётган шў кунларда
барчангизга муштаҳкам соғлиқ, баҳт-саодат,
хонадонингизга қўт-баракат, масъумиятли
ишларингизда қилган омадлар ёр бўлсин!*

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кулаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўламалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жарабгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси